


TIRILISH


НУРИЯ ЧЕЛЕЕН

ҚАЛБ ИФФАТИ



*Сен фаришталар суйган чечаксан.
Гулларнинг энг гўзалисан*

ТУРК АДАБИЁТИ



БИРИНЧИ БЎЛИМ

КАЛОМИ ҲАННА

«Иффатини пок сақлаган аёл

(Марям)ни ёд эт».

(Анбиё сураси, 91-оят.)

ҚАНДИЛ

Кечанинг зулматига таслим бўлган икки аёл ўтирибмиз. Ийша узун кўйлагини химариб, ўрнидан турди. Қоронғиликнинг оғир сукунатига чидолмай қандилни ёқди. Хира нур ёйилди атрофга. Қандил кимирлади. Орқа боғчадаги зайтун дарахтлари тебранди. Мунгли юракларимиз титради. Ёруғлик сўлгин юзларни учраштирди.

Бир муддат нигоҳларимиз сўзлашди.

Қалбларимиз тилга киришини қарорсиз кута бошладик. Сув кичикдан, сўз каттадан дейишади, шундай бўлди.

– Ийша, – дедим, – икковимиз ҳам йўл охирига келдик. Мен сендан каттаман. Роббимиз бизга ҳам дунё меваси, охират озиғи бўлган фарзанд насиб этмади.

Ийшанинг сабр чанг солган юзига титроқ, заиф нур тегди. У қандил каби тебранди. Алам эгаллаган юзимга шафқат билан қаради:

– Яратган мана бу пешонамизга нимани ёзган бўлса, шуни кўрамиз, опа...

Дард ҳам тақдирдан эканини билардим.

– Ийша, – дедим ўкинч қоришган овоз билан, –

мен болам бўлишини нима учун хоҳлайман, биласанми?

Синглим қайғу тўла кўзлари билан менга қаради.

– Умрим поёнига етиб боряпти. Дунёга виждо айтиш фурсатим яқин. Роббимга армуғон этадиган бир хадям бўлса дейман. Киши Парвардигорига ҳар нарса тақдим қилиши мумкин. Уйини, молини, жонини ҳам, лекин баридан қийматлироғи, баридан афзали инсоннинг дилбанди бўлади. “Роббим, жонимдан узилган жонни Сенга тортиқ қилдим!” дейишни хоҳлайман.

Ийшанинг кўзлари менда экан, қарокларида айни шу истаклар дуо бўлиб йилтираётган эди. Кўзёшларини чиқармасликка уринди ва: “Худонинг карами кенг”, деди.

Опа-сингилнинг маҳзуният юкланган, хорғин бокишларимиз хира нурлар аксида такрор тўкнаш келди.

Вақт кеч бўлди.

Турдим.

Этакларида сукунатни судраб олган туннинг ичига юра бошладим.

Синглимнинг ғамгин ўйлари ортимдан эргашди.



ОНА

Тун рўмолини ўради. Тор кўчаларнинг қоронғилик чўккан тош йўлларида юрдим. Пахса уйлар худди қўлтиқлашиб олган болалардек туришарди. Танимга илиқ шабада урилди. Мушк тутаткисининг ифорлари ёқимли шабада билан рухимгача кириб борди.

Қадамларимни тезлатдим.

Нурга кўмилган бир уй ҳар доимгидек кўнглимни ёритди.

Товушсиз ичкарига кириб бордим.

Эшикнинг очилишидан Имрон келганимни англади. Қоронғилик тарафга кўзларини пирпиратиб қаратди. Юзимни қидирди. Тупроқ уйнинг исини ичимга ютдим. Тупроқ шунақанги ширин ҳид тара тардики... Гўё, она каби эди. Она ўз боласини кўксидан қандай улғайтирса, тупроқ ҳам шундай эди. Унинг бағрида ҳамма нарса гўзаллашиб кетарди.

Тупроқ ва онани эслаб юрагим эзилди. Кундузи кўрган қушимни хотирга олдим. Жажжи қуш полапонини оғзи билан тўйдираётган эди. Қушнинг оналик туйғусидан тўлғониб кетдим. Оналикнинг шафқатли дунёсида бир гўдакни ўша митти қушчалик ҳис этол-

маслик, калбимни тилка-пора қилди. Шу она қуш қаби бир жигарбандим бўлсайди, уни Роббимга бахшида қилсайдим.

Ичимдаги оғир ярамга митти бир қушчанинг тумшуги тегди. Оналик туйғуларим кўзлардан яширин қонади. Хаёлим кичик бир уйчада қолди. Қалб хасратининг совуқ боғчасида ўйларим қуш қаби қанот қокди.

Рухимда ёлғиз, кенг бир ғор. Икки тоғнинг орасида акс-садо берган бир товуш ичида қолдим. Аввал бир тоғдан овоз келаётган эди:

– Она! Она!

Кейин бошқа тоғдан акс-садо берарди:

– Она! Она!

Овоз икки тоғ орасидаги тунд ёлғизлиги билан бутун туйғуларимга уриларди:

– Она! Она!

Юрагим ёнди. Бечора эдим...

Ичимда чорасизликнинг оғир қуйи. Оналик – калбимда темир кулча. Этакларимга ёпишган бир болақайнинг товушидан сесканаман ҳар доим:

– Она! Она!

Шафқатимда бир фарзанд ҳадяси: у «Она» деган сари ичимдаги гўдакни, аёллигимдаги оналикни хоҳлайман.

Қалбим – тил, шафқатим – калом.

Ё Аллоҳ! Бугун нима бўлди ўзи? Ичимдаги бола хануз тўхтамаяпти:

– Она! Она!

Қулоқларимни беркитиб олайми?! Хотирамда чуқур ўрнашиб олган дилбандимнинг овозидан қочяпман. Роббимга сиғиняпман. Болам гўё этакларимдан тортқилар эди:

– Она! Она!



Ичимда бир гўдак йиғлаяпти. Қалбимни тирма-
лаяпти унинг юмук кўллари. Магарам, ҳар аёл она
тугармиш. Шафқат эшигига судралиб бораман. Со-
вуқдан титраган йўқсил каби шафқатнинг ўраб оли-
шини кутяпман. Туйғуларимда замҳарир киш. Совко-
тиб кетяпман. Инсон шафқат қилганичалик шафқатга
эхтиёж сезади.

«Роббим! Ўша болани бер менга!»

Кўзимдан чиқишга уринган ёшларни кўлимнинг
орқаси билан тўхтатиб турдим. Таваккулга бош кўй-
дим, таслимият ҳассасига таяндим. Менга марҳамат
ила қараган Имроннинг ёнига жимгина ўтирдим.

Иккаламиз ҳам ҳеч нарса демадик. Сукут сўзга
чикмаган туйғуларнинг қалб товушидир. Имрон мен-
га бокди, мен унга. Хаёл бирлигида учрашдик, қа-
рашларнинг каломида сўзлашдик.

Имрон ғамгин эканимни тушунди, сўзсизлигимни
бузди:

– Кетиш фурсатим яқинлашди, Ҳанна. Сени пар-
вариш қилувчи, ёрдамчи бўладиган бирини қолдир-
май кетяпман бу дунёдан.

Кекса Имроннинг касаллик сарғайтган юзига бок-
дим.

– Имрон, менинг ёрдамчим Аллоҳ. Мен боламни
кўмак учун хоҳламадим. Роббимга армуғон қилмоқ-
чиман. Бир ўғил фарзандим бўлса, уни Байтул Мак-
дисга топшираман. Роббимга қурбон қиламан.

Имрон менга бокди, мен такдирга. Таваккул сир-
га боғланган кишида аввало калом йўқолади.

Сўздан тўхтадик.

Тун қоронғилик ичига тўғри ёйилиб бораркан, ик-
кимиз ҳам ичимизга окдик. Бизга бу ҳисларни бер-
ганнинг эшигига бордик. Икки қалб бутун сабаблар-
дан юз ўгириб, бир фарзанд учун кўл очдик.

НАЗРИ ЮРАК

Юклиман!
 Шу ёшимизда бир фарзанд! Имрон ҳам кекса, мен ҳам кексаман. Ҳомила – Аллоҳнинг Ҳайй исми ила юкланган илоҳий сир. Ҳомиладорлик канчалик яширилса, Худонинг сири сақланади. Бола ҳам одобли бўлади.

Сиримни сақлашим керак, токи ёмон назардан нари бўлсин. Тилга тушмасинки, иффати бутун бўлсин.

Ойлар бир-бирининг ортидан чопди.

Ҳар кун фарзанд хаёли билан шукр дуосини канда килмадим. Ибодатларимга шунни қўшимча қилдим. Кишининг обид бўлиши, фитратида бандалик нақшланиши учун у она қорнида ибодатга ошно бўлиши зарурий эди. Мен ҳам, Имрон ҳам ибодат қилдик. Бир ўзимиз учун, бир боламиз учун.

Вақтимнинг кўп қисми Байтул Макдисда ўтарди. Сулаймон отамнинг маъбадида Таврот, Забур ўқиб, Роббимга ҳамд айтардим.

Бир кун ўша ибодатхонада маънавий оламнинг кўркувидан титрадим. Боламни назр қилдим.

Ана шу ҳаяжон билан уйга қайтдим. Имрон ҳам



уйда эди. Үйларимни ичимга ютдим. Жигарпорамга энг яхши исмни кўйишим керак эди. Ҳаққига дуо киларканман, исмини ҳам айтсам бўларди.

Исмининг маъноси тақдирига дуо эди. Қалбимга ўзидан аввал исми тушганди. Неча йиллардан бери дилимда сақладим бу исми.

Унга берар армуғоним.

Шафқат булогим.

Адаб гулим.

Назри юрагим.

Охират чечагим.

Кўп ибодат қилувчи:

«Марям...»

Кунларимни боламнинг хаёли ила ўтказардим. Вужудимда гўдак борлиги ошкор бўла бошлади.

Кўшнилари бир-бирларига шивирлашди. Эл оғзида гап турмади. Гийбат шундай нарса. Сув устидаги ёғдан ҳам тез ёйилади. Қалбга бекорчи гап тушмасин, чунки у ҳаддидан ошиб, бори ҳисларни ошкор қилади. Гийбат тухматнинг калитидир.

Бир-бирига гап беришмади. Хотинлар гапирди, эркаклар ҳам кўшилди. Бутун шаҳар оғзини очди. Мен индамадим, Имрон ҳам индамади.

– Вой, қариган кимса болали бўладими?

– Бунда нимадир бор!

– Қиролга хабар берайлик, чорасини кўрсин.

– Балки қорнида илон бордир?

– Шунақаси ҳам бўладими?! Яқинда келадиган

Масих Пайғамбардир у!

– Ҳа, ўша. Ҳанна билан Имрондан бошқа кимдан бўлиши мумкин?!

– Масих бир бокирадан туғилади!

– Тўғри, Масих отасиз бўлади.

– Кекса кампир ва чолдан бола туғиладими? Бир кун уйкусида ичига илон киргандир, қорнида каттайгандир.

– Шохга хабар беришимиз зарур.

– Жон кўшнимизнинг фойдаси учун гапиряпмиз.

Сўз қозони қайнагандан-қайнади. Имрон ҳам, мен ҳам билардик, инсон нафсига қараб тил югуртиради. Иккаламиз ҳам лаб қимирлатмадик. Оғзимизга кулф солиб, қалб майдонида сўзлашдик. Дуо билан, ибодат билан, шукр ва зикр билан фарзандимиз Марямнинг дунёга келишини кутдик.

ЖАВҲАРИ АМАЛ

Кунлар бирин-кетин ўтаркан, ойлар эриб бо-
ларди. Ўтган ҳар кун боламни менга яқин-
лаштирар эди. Фарзандимнинг ҳеч бир онини зое бў-
лишини хоҳламайман. Унинг ҳаёти туғилиши билан
эмас, борлиги маълум бўлган соатдан бошланган.
Бир маъсум қалбнинг калити тўққиз ой онага топши-
рилган эди. Она ё маънавияти билан у эшикни очиб,
тўққиз ойлик сайру сулукни амалга оширади, ё кулф-
га қўл ҳам урмай, тўққиз ой гуноҳларга тайёрлайди.
Бу даврнинг асосида бир нарса бор эди:

Ният...

Ният тилсим эди, туйғуларнинг «басмаласи» эди.
Тупроқни олмос қилган жило эди. Инсон амалининг
кимёси эди. Амалнинг жавҳари эди.

Онанинг нияти – боланинг маънавий ҳаёти учун
аталган дуо бўлди. Фарзандим менинг туйғуларим-
ни ўрганияпти, дея ҳисларимни том дунёвийликдан
уздим. Кўз қувончим ғафлатни ўрганишини истама-
дим. Ҳар онимни Роббимнинг тадаббури ва зикри ила
ўтказдим. Болам учун ниятимни Аллоҳга арз этдим:

Эй Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзинг-
дан олис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта,

Сенинг Ўзинг эшитувчи, билувчи Зотсан.¹

Кунлар ўтаркан, ичим ичимга сиғмасди. Хаяжоним тошиб борарди. Энди сиримни Имронга айтишим керак эди.

– Имрон, – дедим, – биласанми, фарзандимизни Байтул Макдисга назр килдим.

Менинг бу хаяжоним олдида Имрон ўзини йўқотмади. Сабр билан жим турди. Сукунати ҳар доим унга нисбатан ҳис қилган ҳурматимни оширар эди. Эркак киши улугворлик кўйлагининг устидан ҳалимлик тўнини кийса ва ғазабини сабр-ла ютиб, аёлига шафқат билан муомала қилса, юксаларди. Шунда аёл эрига эҳтиром кўрсатарди. Аёл одобни эридан ўрганарди. Эр ўз аёлига канчалик шафқатли бўлса, аёл ҳам шунчалик одобли бўларди.

Адабнинг асли ақлни қурбон қилиш, деган сирда яширин. Эр аёлга эътироз нуқтасини қолдирмаса, аёл ҳам ақлини қурбон қилиб, адаб сирини қўлга киритган бўларди. Имроннинг мактабида шафқат кўрдим, одоб ўргандим. Имроннинг марҳамати юрагимга назокат солди. Мен ҳам унинг ҳурматини ҳамиша биланд тутдим.

Имроннинг бу ҳолати олдида хижолат бўлдим. Уятли кўзларим билан унга қарадим. Хато қилган бола каби бўйнимни букдим.

Имрон сабр ва марҳамат назари ила қаради.

– Ҳанна, нега шошиляпсан? Қиз фарзанд туғилса-чи?

Жавоб бермадим. Мен ҳам билардим қиз болалар Байтул Макдисга назр қилинмаслигини. Иброҳим пайғамбар ҳам тирноққа зор эди. У ҳам жигарпорасини Аллоҳга атамоқчи эди. Ўша оила ҳам биз каби кексалик пайтида фарзандли бўлди. Мен ўғил фарзанд

¹Оли Имрон сураси, 35-оят

кутаётгандим, мен ҳам уни назр қилмоғчийдим. Уни дунёга қурбон қилишни хохламаё эдим. Имроннинг сабрли назари севги ила устимга кўнди.

Унга ҳурмат билан қарядим. Инсон руҳидаги олийлик ташқарида шундай ақе этадимиз? Имрон нурнинг жилваси бўлиб руҳимга кирди. Роббим эр ва аёлни қандай ҳам мутаносиб яратган! Биз аёллардаги шошқалокликка қарши эркаклардаги совуққонлик...

Имрон ҳақли эди. Жавоб бермадим, юрагимга қочдим. Боламга бордим. У илк гурбатига менинг ичимда тушган эди. Рухлар оламида дунё гурбатига инганди. Боланинг гурбатини яқийнга айлантириш онанинг қўлида эди. Ичимда ҳаяжон, қалбимда зикр, болам билан ибодат ва тасбеҳ бошладим. Йўли узун, фурсати оз эди. Фарзандимнинг тўққиз ойи зое бўлмаслиги керак эди.

Кўксимда тўққиз ойлик узлатда эди Марямим. Иккимиз Аллоҳ таоло ҳузурига бир бўлиб йўналдик. Иккимиз зикрни баробар бошладик:

– Ё Аллоҳ! Ё Раҳмон!
 Ё Ҳаннан! Ё Маннон!
 Ё Дайён! Ё Султон!

В

ковушди

билан ў

Имр

– Ҳ

фарзан

Ичи

моли у

ҳам жи

эди. Бу

Им

эди. Ҳ

ди.

Но

қабн

дан. У

маъбе

ёққан

Иста

Зо

бор э

ФИРОҚ

В акт дарёси оқиб боряпти...
Бешинчи ой ҳам ўтди. Болам олтинчи ойига қовушди. Отаси билан бирга кунларни дуо ва зикрлар билан ўтказаётган эдик.

Имрон хаста эди. Бир кун анча сўлғинлашди.
– Ҳанна, – деди, – кўзим очик кетмайди, сени ва фарзандимизни Аллоҳга омонат қилдим.

Ичимга изтироб сизди. Юрагимга айрилиқ шамоли урилди. Сарғайдим. Видо жумласи иккимизни ҳам жимликка маҳкум қилди. Имрон аҳли қалб инсон эди. Бу тарафдаги йўли битгандек кўринди.

Имрон Аллоҳга олиб борувчи йўлда йўлдошим эди. Хаёлим Носиродан келган кунларимизга бурилди.

Носиро кичик бир шаҳарча эди. Имрон ҳам мен каби Сулаймон ва Довуд пайғамбарларнинг насабидан. У ибодат аҳлидан эди. Бир кун тушида Сулаймон маъбадида хизматда бўлганини, мушк идишларини ёққанини кўриб, Қуддусга бориш иштиёқига тушди. Истагини менга айтди. Шу заҳоти қабул этдим.

Зотан, у ерда синглим Ийша ва унинг эри Закариё бор эди.



Носиродан айрилдик.

Имронга яна бир қарадим. Қараркан, бобоси Довудни эсладим. У руҳидан оқиб келган зикр ила Аллоҳга тасбеҳ айтарди. Забур ўқирди. Забурни тиловат қилганда одамлар унинг бобоси Довуддан таъсирлангандек таъсирланар эдилар.

Яҳудийларнинг кироли буюк кутқарувчи Масих пайғамбарнинг келиш вақти яқинлашганини Тавротдан ўқиркан, Имроннинг юзи бошқача ёришиб кетарди. Қора кўзларидаги нур янада ойдинлашарди.

– Ҳанна, биласанми, – дея сўз бошлаб, ҳаяжон ичра давом этарди, – Масих пайғамбар Аллоҳнинг буюк мўъжизасидир. У бокира бир аёлдан туғилади.

Имрон Масих пайғамбарнинг маънавий оламига кадам кўяркан, мен бокира онадан отасиз дунёга келадиган фарзандни ва ёш, маъсум қизни ўйлардим.

Эски кунларга тутилган назарим Имроннинг устига тушди. Шошма, Масих ва унинг бокира онасидан сўз очсам, Имрон яна аввалгидек ҳаяжонланар, қора кўзларида сирли нурлар такрор порлармикин?! Тинглашга ҳам мажоли қолмаган Имронни чарчатгим келмади.

У ўша тун саҳар пайти Ҳаққа юрди. Фонийлик хиркасини ечиб, бақо кўйлагини кийди. Айрилиқ шамолини бағримга солди. Тупроққа кузнинг бир япроғи каби тушди. Фарзандини кўролмади. Дуосида баробар турган боламизни баробар кучоғимизга ололмадик.

Чўлда адашган ёлғиз йўлчига ўхшаб қолдим.

Рухим фонийликнинг изтиробидан титради, болам фонийликда дили сиёҳ бўлди. Ичимга ғарибликнинг маҳзунлиги чўкди, боламнинг қалби маҳзунликни таниди. Юрагимга кимсасизлик инди, болам кимсасизликни ўрганди. Ўлган фақат умр йўлдоши

эмас, бир ота ҳам эди. Икки азобни бир онда яшадим.

Охираг гунчам синовини она қорнида бошлади. Илк бошда хасратни ўрганди. Энди у ҳеч қачон «Ота!» деёлмасди. Ким билади бунинг қандай ҳикматлари бор?

Сабр қилишим зарур эдики, фарзандим сабрли бўлсин. Бандалик учун аввало сабрга эга бўлиши керак. У қурбон эди, ҳар они қурби он (Унга яқийн) бўлиши керак эди. Боламнинг яқийнликлари она қорнида бошланди.

У энди етим эди.

Етим – кимсасиз дегани.

Етим – суянчи йўқ, эгасиз дегани.

Етим – Аллоҳнинг ҳеч кимга бермагани эди.